

Э.Т. Бердиев, Ж.Г. Темиров, М.З.Холмуротов

ПАВЛОВНИЯ (*PAULOWNIA*) ДАРАХТИ КҮЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ БҮЙИЧА
ТАВСИЯНОМА



**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ ТАД҆ИҚОТ ИНСТИТУТИ**

Э.Т. Бердиев, Ж.Г. Темиров, М.З.Холмуротов

**ПАВЛОВНИЯ (*PAULOWNIA*) ДАРАХТИ КЎЧАТЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ БЎЙИЧА**

ТАВСИЯНОМА

Тошкент – 2020

Тавсиянома Тошкент давлат аграр университети “Манзарали боғдорчилик” кафедраси мудири профессор Э.Т. Бердиев, доцент М.З. Холмуротов ва Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти докторанти Ж.Г. Темировлар томонидан павловния дараҳтини кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш бўйича узоқ йиллар давомида ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу тавсиянома ўрмон хўжалиги, кўкаламзорлаштириш, кўчат етиштириш ва доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган ва боғдорчилик билан шуғулланувчи фермерлар ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг мутахассислари учун мўлжалланган.

Тақризчи:

С.А. Турдиев – ТошДАУ “Манзарали боғдорчилик”

кафедрасининг доценти, қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори

У.И.Рузметов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти “Доривор ўсимликлар деҳқончилиги лабораторияси” мудири, қ.х.ф.н

Тавсиянома университетнинг 2020 _____ даги
йиғилишида мухокама этилган ва маъқулланган (_____ -сонли баённома)

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг 4-илова 22.1 бандига, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда павловния дараҳтини кенг қўллаш, шу жумладан мамлакат ҳудудларида павловния дараҳти экиладиган майдонларни кенгайтириш бўйича алоҳида топшириқ берилган.

Республикада хунармандчилик, қурилиш материаллари ёғоч ва ёғоч қириндили хом-ашё, мебел саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек аҳолини муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳозирда тез ўсувчи ва сифатли саноатбоп дараҳт турларини қўпайтириш қўчатчиликда асосий вазифалардан биридир.

Павловния Хитой ва Японияда саноат миқиёсида етиштирилади. Павловнияни ўсишини терак билан солиширилганда теракдан икки ҳисса тез ўсади икки ойда павловния кўчати 1-1,5 метргача олти ойдан сўнг 3-4 метрга, бир йилда эса 4-5 метрга, уч йилда 14-15 метрга 7-8 йилдан кейин дараҳтни кесиб, аҳолимиз ихтиёжи учун юқори сифатли ёғоч олиш мумкин.

1. ПАВЛОВНИЯ ДАРАХТИНИНГ БИОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Павловния (*Paulownia*) Павловниялар оиласига мансуб бўлиб унинг ватани Жанубий ва Шаркий Осиё хисобланади. Ушбу дараҳт Япония ва Хитойда кенг тарқалган бўлсада Европада, Шимолий ва Шаркий Америкада, Австралияда ва бошқа қитъаларда Павловния плантацияларини учратиш мумкин. Павловнияни машхур ботаник олим Зебод биринчи бўлиб Европага олиб келган ва уни рус императорининг қизи Анна Павловна шарафига Павловния деб атаган. Павловнияни яна император дараҳти, малика дараҳт, аждар дараҳт номи билан хам юритилади.

Павловния жуда тез ўсади, баргларининг катталиги 100 см гача булади, гуллари турли рангда товланувчи кунғироқчаларни эслатади, уларнинг хиди жуда хушбуй бўлади. Павловния март-апрел ойларида гуллайди, гули бир ярим ой давомида туради. Барглари жуда катта, кенг юрак шаклида, банди узун, қарама-қарши жойлашган. Барглари май ойида ёзилади ва биринчи совуқ бошланиши билан тўкилади.

Павловния гуллаш даврида жуда хушманзара кўринишга эга бўлади. Хушбуй гулларининг диаметри 5-6 см бўлган қўнғироқсимон шаклга эга.

Ранги оч кўк рангдан оч бинафшарангача. Майда гуллари 25-30 см га етадиган тўпгулга йигилган. Кубан шароитида павловния одатда май ойининг охирида гуллайди. Гуллашдан сўнг август ойида янги гулкуртак ҳосил бўлади, улар муваффақиятли қишлишади ва келгуси йилнинг май ойида гуллайди.

Павловниянинг мевалари вегетация сўнгидаги тўлиқ пишиб етилади. Павловниянинг меваси 3-4 см узунликдаги ёғочлашган тухум шаклидаги қутичадан иборат бўлиб, улар бироз ёнгоққа ўхшайди. Январ-феврал ойларининг охирида капсула иккита бўлакга очилади, капсуланинг ичида жуда кичик (диаметри ~ 2-3 мм) тўқ жигарранг уруғлар бор, улар кенг мембрани қанот билан ўралган бўлиб, шамол уруғларни узоқ масофаларга учириб кетишига имкон беради.

Павловния гули жуда никтарга бойлиги сабабли ундан келажакда асал ишлаб чикаришда фойдаланиш мумкун. Павловния гулидан олинган асал ўзининг сифати билан ажралиб туради. Асали мазали бўлиш билан бирга шифобахш ҳамдир. Павловния гулидан олинган асал ўткир нафас йулларини, ўпка ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволашда жуда фойдали ҳисобланади.

Павловния 100 йилгача яшайди, поясининг диаметри 1 м гача бўлади. Унинг баландлиги ўсаётган нуктасига қараб турлича бўлади энг баландлиги 25 м гача ўсади. Павловния меваси қутича шаклида бўлиб унинг ичи тўла майда уруғлардан иборат. Павловния кам шўрланган, сизот суви 1.5 м кам бўлмаган, таркибида 2 фоизгача оҳак бўлган тупроқда ҳам ўсаверади, аммо унумдор ва суғориладиган ерларни хуш кўради, у ўта қиргоқчилик ва ўта намлики ёқтирамайди. Павловния очик ва яхши ёритилган жойларда яхши ўсади, унинг айрим турлари жуда чидамли бўлиб ҳаво ҳароратининг -28°C гача совушигача чидай олади, шунингдек павловния иссиқда ҳам чидамли бўлиб $40-50^{\circ}\text{C}$ иссиқлика ҳам bemalol ўсаверади.

2. ПАВЛОВНИЯНИ УРУҒИДАН КЎПАЙТИРИШ

Павловния дарахтининг уруғлари жуда майда бўлиб, 1 грамида 4 ± 0.2 минг донагача уруғ бўлади. Уруғларининг унувчанлиги 60-65 фоизни ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Павловния уруғларини иссиқхона шароитида, энг яхши экиш муддати декабр ойи эканлиги аниқланди. Декабрда экилган Павловния уруғларидан униб чиқсан ниҳоллари феврал ойида 8×8 ҳажмдаги контейнерларга пикровка қилинади. Контейнерларга кўчириб ўтказилган ниҳоллар 2 ойдан сўнг яъни

март-апрел ойларида нихолларнинг бўйи 20-25 см га этиб очик далага экишга тайёр бўлади.

Павловния уруғлари жуда майда ва янгидан чиқсан нихолларининг нозиклиги сабабли, тупроқ уларнинг илдиз бўғинларини сиқиб ривожланишига тўсқинлик қиласди. Шу сабабли ҳам павловния уруғларини сепишдан олдин тупроқ, биогумус, кум ва торфни 3:2:1:2 миқдорида субстрат тайёрлаб экиш яхши натижа беради. Тайёрланган субстратларда турли замбуруғ касалликлар ва зааркунандалардан ҳоли қилиш учун уруғ экишдан 1 кун олдин симқурт ва бошқа зааркунандаларга қарши Арриво, Дицис, Циткор каби препаратлар билан ишлов берилади. Касаллик ва замбуруғларга қарши Ридомил Голд 68% порошок 10 летр сувга 10-15 грмм, ёки Фундазол 50% ли 20-25 грмм 10 летр сувга. Ушбу миқдорларда яхшилаб ишлов берилади. Тайёр бўлган субстратимизга 1пог/м да 1-2грмм уруғ сепилади.



A

B

**А павловния уруғларини иссиқхонада сепиш жараёни
В -уруғдан униб чиқсан нихоллар**

Павловния уруғларини сепиш учун қулай ҳарорат $20-25^{\circ}\text{C}$ ҳавонинг намлиқ миқдори 65-70% бўлганда уруғлар 15-20 кунда униб чиқа бошлайди. Иссиқхонада ҳаво ҳарорати 15°C паст бўлганда уруғларнинг униб чиқиши узоқ муддат талаб қиласди. Униб чиқсан нихолларни озиқлантириш мақсадида ҳар 10 кунда комплекс ўғитлар 10грм/10л сувга аралаштириб лейка ёрдамида озиқлантириб турилади. Уруғдан униб чиқсан нихолларнинг бўйи 3-5 см га етганда нихоллар

пекировка қилинади яни контейнерларга күчириб ўтказилади. Контейнерларга тупроқ, биогумус, қум, торф 3:2:1:2 аралашмалари солинади. Нихолларни пикировка қилишдан олдин экиладиган субстратдаги намлик миқдори 75-80% дан кам бўлмаслиги керак шунда нихолларни илдизи яҳшироқ жойлашади. Контейнерларга күчириб ўтказилган нихоллар шу куннинг ўзидаёқ суғорилади. Демак субстрат шароитининг илдиз олиш учун қанчалик қулай ва ўтказувчан бўлиши, нихолларнинг ривожланиш кўрсаткичларини шунчалик юқори бўлишини таъминлайди.



A

B

А- пикировка қилишга тайёр нихол.

В- пикировка қилинган нихол

Нихолларнинг бўйи 20-25 см га етгунича парваришланади. Нихолларни озиқлантириш мақсадида ҳар ҳафта комплекс ўғитлар (25грм/10л ёки оксигумат) билан озиқлантириб турилади. Пикировка қилинган уруғкўчатларнинг бўйи 20-25 см, етганидан сўнг очик далага экишга тайёр ҳисобланади.



A

B

А- иссиқхонада парваришланаётган ниҳоллар

В- очик далага экишга тайёр ниҳоллар

3. ПАВЛОВНИЯНИ ВЕГЕТАТИВ КҮПАЙТИРИШ

Павловния дарахтининг яшил қаламчаларидан күпайтириш мақсадида июн ойида 20 см қилиб, бир йиллик новдалар тайёрланади. Қаламчалар туманлаштириб сугориладиган иссиқхонада кум, кленец, биогумус 3:3:1 микдордаги субстратда экилади. Экилган қаламчаларда 15-20 кундан сўнг илдиз олиш жараёни бошланади. Кўчатчилик амалиётида кенг кўлланиладиган, қаламчаларни илдиз олишини фаоллаштирувчи стимуляторлардан ҳосил қилинган турли меъёрдаги эритмаларни қаламчаларни илдиз олиш жараёнига таъсири ўрганилганда. (жадвалга қаранг)

| Эритманомлари | Эритма меъёри , 1 л сувга | Экилган қаламчалар сони ,дона | Илдиз олган қаламчалар сони, дона | Илдиз олиш даражаси, % | Илдиз узунлиги, см | Вегетация якунида | |
|---------------------|---------------------------|-------------------------------|-----------------------------------|------------------------|--------------------|----------------------|---------------------------------|
| | | | | | | илдиз баландлиги, см | илядиз бўғзининг диаметри ,мл.м |
| Оддий сув (назорат) | - | 50 | 12 | 24 | 13 | $14 \pm 1,23$ | $4,6 \pm 0,18$ |
| Корневин СП | 1 г | 50 | 38 | 76 | 21 | $42 \pm 2,34$ | $6,6 \pm 0,15$ |
| Басфолиар Келп СЛ | 50мл | 50 | 44 | 88 | 29 | $56 \pm 2,26$ | $11 \pm 0,17$ |
| Гетероауксин | 0,02 г | 50 | 20 | 40 | 18 | $20 \pm 1,47$ | $6,72 \pm 0,24$ |

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра ўстирувчи стимуляторлар турлари павловния қаламчаларини илдиз олишига турлича таъсир кўрсатган. Қаламчаларнинг илдиз олиш даражаси бўйича энг паст кўрсаткич оддий сув билан ишлов берилган вариантда 24% ни ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич Басфолиар Келп СЛ стимуляторида 88% ни ташкил этди. Корневин СП стимулятори қўлланилган вариантда қаламчаларнинг илдиз олиш даражаси 76% ни ташкил этган, илдиз узунлиги ўртача 21 см бўлган бўлса, йиллик ўсиши 42 см, илдиз бўғзининг диаметри 6,6 мм ни ташкил этган. Гетераауксин стимулятори қўлланилган вариантда кўрсаткичлар назорат вариантидан бироз юқори бўлган.



A



B



С



Д

- А- қаламчаларни экиш учун тайёрланган субстрат**
В-субстратларга әкилған қаламчалар
С- илдиз отган қаламчаларнинг ривожланиши
Д- қаламчаларнинг фенологиясини ўрганиш жараёни

Ҳозирда павловния кўчатларини вегетатив қўпайтиришда биргина муоммо, павловния дарахтлари ҳали республикамизда кам бўлганлиги сабабли яшил қаламчаларни кўп микдорда тайёрлаш имконияти йўқлигидадир.

4. ПАВЛОВНИЯНИ INVITRO УСУЛИДА ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТЛАРИДА КЎПАЙТИРИШ

Павловния дарахти кўчатларини лаборатория шароитида етиштиришнинг бошқа усулларга нисбатан бир қанча афзалликлари ва иқтисодий самарадорлиги юқорилигини олиб борилган тажрибамиизда яққол исботини топди. Тажриба учун авваламбор павловния дарахтининг янги ўсган новдалари эксплант учун олинади.

Эксплантларни ташқи инфекциялардан тозалаш учун, дастлаб сувунли сув билан яхшилаб ювилади ва дистилланган сув билан чайиб ташланади, кейин эса бир неча секунд давомида 70% ли этанолга ботириб олинади. Тўқималарга спирт билан ишлов бериш, уни стерилизация қилиш ҳоссасидан ташқари, асосий стерилизация қилувчи эритмани таъсирини кучайтириши билан боғлик.

Асосий стерилизация (Р.Г.Бутенка, 1990) методи бўйича олиб борилади. Дистилланган сув 800 мл гипохлорид (NaOCl) 200 мл га 5-10

дақиқаларда электр аралаштиргичда аралаштирилади. Стерилизацияланган экспланлар озуқа мұхитига экиш учун, тайёрланган озуқа мұхити автоклавда 120⁰C да 0,75-1,0 атм. босимда 30 минут давомида стерилизация қилинади.

Ажратиб олинган хұжайра ва тұқымаларни ўстириш учун мүлжалланган озуқа мұхитлари, ўсимликларни яхши ўсиши учун керак бўлган барча макроэлементлар (азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт ва бошқалар), микроэлементлар (бор, марганец, рух, мис, молибден ва бошқалар) ҳамда витаминалар, углеводлар ва фитогормонлардан иборат бўлади. Кўп ҳолларда ажратиб олинган хужайра тұқымаларни автороф озиқланишга имконияти етмайди. Шу сабабли ҳам карбон суви ўрнига сахарозадан фойдаланилади.

Олиб борилган тажрибаларга асосан, павловния қўчатларидан олинган экспланлар ва озиқа мұхитини тўғри танлаш жуда мұхим аҳамиятга эгадир. Павловния дарахти қўчатларини микроклонал *in-vitro* усулида жадал кўпайтириш ва соғлом сифатли қўчатлар олиш имконини беради.



Расм. Лаборатория шароитида ўстирилган қўчатлар

5. ПАВЛОВНИЯ КЎЧАТЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ

5.1. Тупроқни экишга тайёрлаш

Тупроқни керакли чукурликда ишлов берилиши кўчатларнинг ўсиб ривожланишига қулай шароит яратади. Тупроққа чукур ишлов бериш ўсимликнинг илдиз тизимининг ривожланишини яхшилайди.

Кўчатларнинг сув билан таъминланишида ҳам тупроқнинг физикавий хусусиятлари мұхим аҳамиятга эга. Маълумки, қумли тупроқлар ўзига намликни кам ушлаб қолади, лойли оғир қумоқ тупроқлар эса намликни кўп

сақлаб туриш эвазига дараҳт илдиз тизими ривожланишига яхши таъсир этади.

Дараҳт ва құчатларнинг озиқ элементларига бўлган талаби уларнинг турларига қараб турлича бўлиши мумкин. Адабиётларга келтирилишича павловния дараҳти кам шўрланган сизот суви 1.5 метрдан юқори бўлмаган, бўз тупроқларда, дарё ёқаларидағи тупроқларда қумли тупроқларда етиштирса бўлади. Аммо сувли ва озуқага бой тупроқларни яхши кўради. Фақат вақтида суғориб турилиши талаб этилади.

Кўчатларни етиштиришда дастлабки ишлардан бири тупроққа ишлов беришdir. Маълумки тупроқлар ҳар-хил унумдорликка эга, бу эса ўз навбатида тупроқнинг келиб чиқиши, иқлиминг, ўсимликларнинг, микроорганизмларнинг ва дехқончилик маданияти билан чамбарчас боғлиқdir. Павловния қўчатларининг ҳаётий шароити агротехник тадбирлар билан тартибга солинади.

Тупроққа ишлов беришда тупроқнинг ҳайдов қатламини ва структурасининг тузилишини ўзгариши натижасида қулай намлик, ҳаво, иссиқлик, озиқланиш режимини таъминлаш; тупроқнинг пастки қатламларидан озиқ моддалар тортиб олиш ҳисобига уларнинг айланишини кучайтириш ва микробиологик жараёнларга керакли йўналишда таъсир қилдириш; касалликларга ва зарапкундаларга дучор бўлган бегона ўтларни йўқотиши; тупроқни сув ва шамол эрозиясидан сақлаш; павловния қўчатларини экиш учун қулай шароитлар яратиш; тупроқдаги ўсимлик қолдиқларини тозалаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Кўчаторни ташкил этишда биринчи навбатда, ер майдонини текислаш зарур. Чунки нотекис жойларда ниҳолларни суғориш анча муаммо туғдиради, баъзи пайтларда текис суғорилмаслик натижасида ниҳолларнинг тутиб қолиши паст бўлади, ўсиши ёмонлашади.

Ерга асосий ишлов бериш тури, ерни ағдариб ҳайдаш ҳисобланади. Агар куз даврида ёғингарчилик ёғмаган бўлиб, тупроқ жуда қуруқ бўлса, у ҳолда ерни ҳайдашдан олдин албатта суғориш лозим. Эрта баҳорда эса, тўпланган намликни сақлаш мақсадида, тупроқнинг юқориги қатламини бороналанади ва бу ўз йўлида йиғилган тузларни тупроқни юқори қатламига кўтаришини камайтиради.

Павловния қўчатларини экиш учун ажратилган ер майдонларини асосан кузда ёки қўчат экишдан олдин тайёрланади. Ерларни ағдариб ҳайдаш, шудгорлаш қўчатлар ковлаб олингандан кейин бажарилади. Ерни плуг ва плуголди мосламаси билан 27-30 см чуқурликда ҳайдалади. Шундай қилиб ҳайдалганда кузги-қишки ёғингарчиликдан ерда кўпроқ нам йиғилади,

касалликлар ва ҳашоратлар нобуд бўлиб, ҳар-хил заарли ўтларнинг илдизлари курийди.

Эрта кўкламда катта кесак бўлакларини майдалаш учун икки томонлама бороналар билан юмшатилади. Ёз давомида яъни ҳар-хил бегона ўтлардан сақланиш ва ерни юмшатиб туриш мақсадида 3-4 маротаба 5-10 см чуқурликда қўл кучи ёрдамида кўчат бўғзи ва қатор оралари юмшатиб чиқилади. Чунки павловния тез ўсганлиги сабабли техниканинг юришини имкони йўқ.

5.2. Ниҳолларни экиш муддатлари

Павловнияни уруғидан ёки лаборатория шароитида *in-vitro* усулида этиширилган ниҳоллари март ойининг 20 санасидан то июн ойининг 15 санасигача экиш мумкин бўлади. Экишдан олдин олдиндан тайёрлаб қўйилган жуяклар суғорилади ва эртаси куни нам тупроққа павловния ниҳоллари экилади. Экилган ниҳоллар шу заҳотиёқ ёна суғорилади. Ниҳолларни 3-4 кун ҳар куни суғориш талаб этилади. Кейинчалик тупроқнинг структурасига қараб суғориб турилади.

Қаламчасидан тайёрланган кўчатларни вегетация даври тугагач плантация барпо этиш учун кузда ёки эрта баҳорда экиш тавсия қилинади. Агар кўчатларни қишида совук урган бўлса уларни олиб ташламаслик керак, чунки павловния кўчатлари илдизидан янги новда чиқаради. Янги новдалар яҳши ривожлангандан сўнг энга яҳшиси ва тўғри ўсган биттаси қолдирилиб қолганлари олиб ташланади.

Плантациялар нима мақсадда эканлигига қараб турли схемаларда экиш мумкун. Масалан Павловния кўчатларини қурилиш материаллари олиш учун 4x4, 5x4, 3x4 схемаларда экиш тавсия этилади. Шунда 1 гектар майдонда ўртacha 600-800 донагача кўчат жойлашади. Агар павловния плантацияларини брекит ишлаб чиқариш мақсадида экилса унда 3x3,3x2 схемаларда экиш мумкун. Брикет мақсадида экилса 1 гектар майдонда 1000-1200 дона кўчат жойлашади.

Уруғидан ўстирилган павловния ниҳоллари бир йил давомида парваришлиш бўлимида ўстирилади. Бунда стандарт кўчат олиш учун ниҳолларни 0.7x0.7 схемада яъни, қатор ораси 0,7 метр, кўчат ораси ҳам 0,7 метр қилиб шахмат усулида экилади. Ушбу схемада 1 гектар майдонга ўртacha 20000 дона уругкўчат сарф бўлади.



Кўчатзорнинг парваришилаш бўлимида ўстирилаётган уруғкўчатлар

5.3. Ниҳолларни суғориш.

Экилган кўчатлар ёки ниҳоллар дастлабки йили иложи борича кўпроқ суғриш мақсадга мувофиқ, чунки бу пайтда доимий экилган ерга мослашиш жараёни кетади. Ёш ниҳоллар вегетация даври давомида 12 марта гача суғорилса яхши бўлади. Иккинчи йили кўчатларни илдиз тизими анча ривожланган бўлади ва талабига қараб суғорилади.

Суғорилганда намлик 60-70 см чукурликкача, яъни илдиз тарқалган қатламгача етиб бориши лозим. Суғоришдан олдин кўчат оралари 10-15 см сукурликда қўй кучи ёрдамида юмшатиб чиқилади. Бу ўз навбатида тупроқ ёрилиб кетишини олдини олади. Суғориш ўсимликнинг ўсиш даврини ҳам сезиларли даражада оширади. Олиб борилган тажрибаларда павловния уруғкўчатлари ўз вақтида суғорилганда биринчи йили кўчатларнинг бўйи ўртacha 4 м гача ўсди. Павловния асосан 1-2 йиллари сувга ўртacha вегетация даврида 12 марта гача суғорилса кейинги йилларда илдиз тизими яхши ривожланганлиги сабабли 8 марта гача камаяди.

5.4. Кўчатларни озиқлантириш

Маълум бир жойдаги ер майдонидан узоқ давр мобайнинда юқори сифатли кўчат маҳсулотини амалга ошириш имконияти бўлмайди. Донадор, сермаҳсул тупроқлар ҳам вақти келиб камбағаллашади, ўсимликлар тупроқдаги озуқа элементларини ўзлаштиради. Кўчатларни қазиб олишда

илдиз системаси билан биргаликда кўчатзор майдонидан ўнлаб тонна тупроқнинг унумдор қисми қўшиб олиб чиқиб кетилади.

Шунинг учун ўрмон кўчатҳоналарини ўғитлаш кўчат етиштириш агротехникасида алоҳида катта аҳамиятга эга. Ўғитларни тўғри ва ўз вақтида қўллаш кўчатларнинг соғлом ўсиши ва сифатига катта таъсир кўрсатади. Тупроқдаги озуқанинг оптимал фонида етиштирилган ўсимликлар танаси иириқ, илдиз системаси яҳши ривожланган бўлади.

Тупроқда ўғитларнинг ҳаракати ҳар ҳилдир, улар тупроқ муҳитининг реакциясини ўсимлик учун мақбул томонга ўзгартиради, уларнинг физик ҳоссаларини яҳшилайди, микроорганизмларни яшаш қобилиятини орттиради.

Павловния кўчатларини етиштиришда минерал ва органик ўғитлар қўлланилади. Минерал ўғитлар вегетация даврида 2 марта қўлланилади, биринчиси, апрел ойининг охири ва май ойининг бошида азотли ва фосфорли ўғитлар бирга ҳар гектарига соф азот 100-120 кг, фосфор 80-100 кг ҳисобида ерга солинади. Иккинчи ўғитлаш июн ойининг охирида берилади. Ўғитлар қатор орасига 10-15 см чуқурликда солинади. Ўғит солингандан кейин кўчатзор суғорилади.

Қўшимча озиқлантириш масадида асосан микроэлементлар қўлланилади. Улар ўсимликнинг барглари ва поysi орқали берилади. Бунда 10 литр сувга 10-15 г микроэлемент эритилиб ўсимликнинг танасига пуркалади. Қўшимча озиқлантириш ўсимликнинг яҳши ўсишини ва стандарт кўчат олиш ҳажмини оширади.

Органик ўғитлар кузги шудгорлаш ёки эрта кўкламги чуқур ҳайдаш олдидан ҳар гектарига 25-30 тонна миқдорида солинади. Олинган тажрибаларга асосан органик ўғитларни шарбат қилиб суғориш самарали усул эканлиги аниқланди.

5.5. Павловниянинг зааркунанда ва касалликлари.

Павловния дарахти ва кўчатлари осонликча касаллик ва зааркундалар билан заарланмайди. Ниҳолларини етиштиришда камдан кам ҳолатда асосан фузариоз ва қорасон касаллигига учрайди. Ўсимликнинг томир олди бўғини қораяди ва чирийди, новдаси ингичкалашиб қурийди. Касалликнинг тарқалишига намликтин ошиши, ҳавонинг яҳши айланмаслиги ва юқори ҳарорат каби бир қанча факторлар сабаб бўлади. Касалликка қарши кураш чоралари сифатида ниҳолларга 0.2% ли фундазол ёки 0.2% ли марганцовка эритмасини пуркаш ёки тагига қуиши яҳши натижади.

Зааркунандалардан илдиз қурти ёки сим қурт, оққанот ва барг ейдиган (баргхүр) курт каби зааркунандалар билан заарланади. Илдиз қурти ва сим қуртига қарши Децис, Циткор каби препаратлар билан ишлов берилади. Оққанотта қарши циткор ёки калипсо препаратлари билан ишлов берилади. Баргхүрга қарши эса инжой, БИ-58 каби препаратлар билан ишлов бериш яхши натижада беради.



2 ойлик павловния уруғ құчати



4 йиллик павловния дарахти

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----------|
| КИРИШ..... | 4 |
| 1.ПАВЛОВНИЯ БИОЛОГИЯСИ ВА ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.... | 4 |
| 2.ПАВЛОВНИЯНИ УРУФИДАН КҮПАЙТИРИШ..... | 5 |
| 3.ПАВЛОВНИЯНИ ВЕГЕТАТИВ КҮПАЙТИРИШ..... | 8 |
| 4.ПАВЛОВНИЯНИ IN VITRO УСУЛИДА ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТЛАРИДА КҮПАЙТИРИШ..... | 10 |
| 5. ПАВЛОВНИЯ КҮЧАТЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ..... | 11 |
| 5.1 Тупроқни экишга тайёрлаш..... | 11 |
| 5.2 Нихолларни экиш муддатлари..... | 13 |
| 5.3. Нихолларни сүфориш..... | 15 |
| 5.4. Күчатларни озиқлантириш..... | 15 |
| 5.5. Павловния зааркунанда ва касалликлари..... | 16. |